

# **Жарқұрғон ва Қумқұрғонда туризм, маданият, оммавий коммуникациялар ҳамда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш йўналишларидағи ишлар билан танишилди**






Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов бугун ҳудудларга ташрифини Жарқұрғон туманидаги 21-сонли Оққұрғон маданият марказида таъмирлаш ишлари билан танишишдан бошлади. Масъулларга ишларни жадаллаштириш вазифаси топширилди.






Шундан сўнг, ҳудудларга ташрифини Қумқұрғонда давом эттирган вилоят раҳбари тумандаги Маданият марказида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари билан ҳам танишди.

Кейинги манзилда, Қумқұрғон агротехнологиялар техникумидә вилоят маҳаллий бюджетидан ажратилған 200 млн сўм маблағ эвазига реконструкция қилинган кутубхонадаги шароитлар кўздан кечирилиб, масъулларга китоб фондини бойитиш бўйича вазифалар белгилаб берилди.





Шунингдек, туманнинг 2-сон касб-хунар мактабига “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида таълим масканинг моддий-техника базасини ривожлантириш мақсадида олиб келинган б 6 та “Дамас” автомашинаси топширилди ҳамда касб-хунар мактабида ташкил этилган “Ёш оиласлар” мактаби ва хотин-қизларни тиқувчиликка ўқитиш курслари фаолияти билан танишилди.



Вилоят раҳбари Қумқўрғон тумани ҳокимлигидаги воҳамизда туризм йўналишида фаолият юритаётган ва меҳмонхоналар қураётган тадбиркорлар билан учрашув ўтказди. Уларнинг муаммолари, таклиф ва ташабbusлари тингланди. Учрашув давомида тадбиркорларнинг бир қанча масаласи, жумладан, кредит ажратиш, коммуникациялар билан таминлаш ва бошқа муаммолари ҳал қилинди. Мутасаддиларга кўтарилилган масалаларни ҳал этиш, билдирилган таклиф ва ташабbusларни қўллаб-қувватлаш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.

Ташриф якунида “Қумқўрғон пахта заводи”да пахта ҳосилини қабул қилиш жараёнлари, тарозихона фаолияти билан ҳам танишилди.